

## Ухласам, нафсим қаровсиз қолади



16:09 / 27.10.2018 3400

Умар ибн Хаттоб розияллоху анху: “Нима бўлди сизга, нега кечаси ухламайсиз?” деб сўрашди. Ҳазрати Умар розияллоху анху шундай деб жавоб бердилар: “Кечаси ухласам, нафсим, кундузи ухласам, халқ қаровсиз қолиб кетади”.

### **Кеккайишдан сақланинг**

Ривоят қилишларича, бир куни Умар розияллоху анху елкаларида меш кўтариб чиқибдилар. Халифа бўлишларига қарамай, меш кўтариб олган ҳазрати Умарни кўрган кишилар ҳайрон бўлиб, “Эй мўминлар амири, бу нима ҳолат?” деб сўрашди. Шунда ҳазрати Умар розияллоху анху: “Ўзимдан ужбланиб (манмансираш, ғурурланиш) кетдим, шунинг учун нафсимни қийнамоқчиман”, деб жавоб берибдилар.

**Муаллиф: Ҳоний ал Ҳаж**